Барча соҳада ижод иш натижасининг фарқли белгилари, унинг янги-лиги ва ижтимоий аҳамиятга моликлигидир. Педагогик энциклопедияда ўқувчиларнинг техник ижодкорлиги фойдали ва муҳим янгилик белгиларига эга бўлган техник объектлар яратиладиган фаолият туридир», деб таъриф-ланади.

Ўқув материалини ишлаб чиқишда махсус фаннинг етакчи компоненти бўлган “Фаолият усуллари”нинг, ўқув мақсадларининг ёритилишига, наза-рий ва амалий мазмуннинг ўзаро боғлиқ ҳолда тақсимланишига, матнни ту-шунарли ҳамда мантиқий усулда тузиш, ўрганиш жараёнини осонлаштириш учун расмлар, схемалар ва чизмаларни қўшиб жойлаштиришга, мавзуларнинг соддадан мураккаб томонга ўсишига эътиборни қаратиш лозим.

Мустақил таълим олишнинг устувор омилларидан бири ўқувчининг билим олиши учун ўзи масъул бўлиши, жавобгарликни ҳис қилишидадир. У ўқитувчига қарам эмас, у ўзи мустақил равишда нимани ва қандай қилиб

[1]*Тоиров Бахтиёр Бобокулович* – доцент, т.ф.н. кафедры “Профессиональное образование”, Бухарский инженерно-технологический институт, Республика Узбекистан.

ўрганишни ҳал қила олади. Бундай ўқувчининг ўзи камчиликларини ўзи тузатиши учун мустақил ишлайди. Бунда ўқувчи таълим олишни мустақил режалаштириш қобилияти ҳам муҳимдир.

Замонавий таълим жараёнининг вазифаси ўқитиш, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутади. Бироқ соҳалар учун кичик мутахассислар тайёрлашда ўқувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, мустақил ҳамда ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳим-роқ. Бу хусусиятлар келажакда ўқувчилар қобилиятини ва қизиқишига онгли равишда ўз касбларига қизиқиш ҳамда масъулиятни ошишига ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М. 1995 г.
2. Тўхтаева З.Ш., Саъдуллаева Д.К. Ta'limni faollashtirishning vosita ва usullari. – Бухоро.: Истеъдод, 2010. – 48 б.

© Б.Б. Тоиров, 2018

УДК 378

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

Б.Б. Тоиров[1]

Аннотация

Мазкур мақолада касбий таълим, педагогик технологиянинг тамойиллари, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритилади.

Таянч иборалар: таълим жараёни, таълим сифати, педагогик технология, касбий таълим, жараён, тамойил.

Бугунги кунда таълим жараёнини сифатли ва самарали ташкил этишда педагогик технологияларнинг ўрни муҳимдир. Педагогик технологияни мақсадли ва натижали қўллаш ва танлаш учун эса унинг тамойилларини чуқур англаш лозим. Уларга тўхталиб ўтамиз. Педагогик технологиянинг тамойилларида педагогик ва технологик фанларнинг ютуқлари қамраб олинган бўлиб, мазкур тамойиллар мажмуаси аниқлиги, исбот талаб этмаслиги, амалийлиги туфайли юқори малакали кадрлар тайёрлашда ажойиб натижаларни беради.

1. Илмийлик тамойили. Бу тамойил ҳар қандай ўқув предмети, ўқув материали фанининг замонавий ютуқларига таяниши лозимлигини кўрсатади. Илмийлик тамойилига мувофиқ ҳар йили фанларнинг ишчи ўқув режалари ва ўқув материалларини такомиллаштириш, муаммоли машғулот ўтказиш талаб этилади.

2. Лойиҳаланиш тамойили. Бу тамойил, педагогик технологиянинг энг муҳим хусусиятларидан бирини белгилайди. Лойиҳаланиш тамойили - бу ўқув жараёнини ташкил этиш, ҳужжатларини – ўқув жараёни графиги; ишчи ўқув режа; фаннинг ишчи ўқув дастури; фаннинг, бўлимларнинг, таянч ибораларининг ўқув мақсадлари тоифалари; ўқитиш жараёни технологияси, эгалланган билим ва малакаларни баҳолаш – олдиндан яратишни англатади.

3. Тизимлилик тамойили. Педагогик технология, ўқув жараёнининг барча элементларини қамраб олиши билан алоҳида ажралиб туради. Тизимлилик тамойилининг моҳияти шу билан ифодаланади. Ўқитиш жараёни қисмида – билимлар, малакаларга эга бўлиш ва улар сифатини баҳолаш амалга оширилади.



1-расм. Ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларини айнан ўхшашлиги

[1]*Тоиров Бахтиёр Бобокулович* – доцент кафедры “Профессиональное образование”, Бухарский инженерно-технологический институт, Республика Узбекистан.

Тизимлилик тамойилининг базавий эканлиги, педагогик технологиянинг ўқитишнинг бошқа ёндашувларидан фарқ этувчи асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

4. Мақсад йўналтирилганлик тамойили. Ўқув жараёни мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Мақсад ҳам қонун каби одамнинг характери ва ҳаракат усулини аниқлаши зарур. «Ўқитиш - бу ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатнинг мақсадга йўналтирилган жараёни бўлиб унинг давомида инсон маълумотли бўлади».

5. Бошқарилувчанлик тамойили. Педагогик технология ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига эришишни кафолатлайди. Бунга, фақат ўқув жараёни бошқариладиган тақдирдагина эришиш мумкин. Бошқарилувчилик тамойилининг аҳамияти шу билан белгиланади.

6. Қайта такрорланиш тамойили. Замонавий ишлаб чиқариш шароитида, зарурий миқдордаги маҳсулот тайёрлаш, олдиндан яратилган техник хужжатлар асосида амалга оширилади.

7. Самарадорлик тамойили. Ушбу тамойил, педагогик технология ўқитишнинг кўзланган натижаларига мақбул харажатлар билан кафолатли эришиш имкониятини яратишини кўрсатади. Ўқув жараёнининг самарадорлигига педагогик технологиянинг юқорида баён этилган тамойиллари: илмийлик, лойиҳаланиш, тизимлилик, мақсадга йўналтирилганлик, бошқарилувчанликни амалга ошириб эришилади.

Демак, педагогик технология, ўз тамойилларига биноан, тегишли табиий қобилиятга ва зарурий ўқитувчилик иш тажрибасига эга бўлган етук педагоглар томонидан лойиҳаланади, унинг тамойиллари, қайта такрорланадиган ўргатувчи цикл сифатида рўёбга чиқариладиган ўқув жараёнини яратишга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Тўхтаева З.Ш, Соатова Г.Ғ. Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлашга асосланган дарс ишланмасини ишлаб чиқиш технологияси. Бухоро.: 2011. Б. 121-123.
2. Тўхтаева З.Ш. Узвийлашган фан дастурларини ишлаб чиқиш имкониятлари // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2007. – Б. 325-327.

© Б.Б. Тоиров, 2018

УДК 378

НОАНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

М.Ж. Турдиева[1]

Аннотация

Мазкур мақолада таълим сифатини оширишда ноаънавий таълимнинг аҳамияти, таълим методлари ҳақида сўз юритилади.

Таянч иборалар: таълим жараёни, ўқитиш сифати, ноанъанавий таълим, жараён, таълим методи.

Сўнгги йилларда малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи ноанъанавий таълимни ташкил қилиш, фаол усулларида фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Ноанъанавий таълим усулларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– ўқитувчи талабаларга тайёр ўқув материалини тақдим этмайди;

– ўқув материали шундай баён этиладики, талабалар фаол билиш ва мустақил ўзлаштириш жараёнида янги билим ва кўникмаларга эга бўладилар;

– фаол ўқитишнинг негизида мустақил фикрлашга ундаш ётади.

Ноанъанавий таълим – талабаларни ўз касбига қизиқтирувчи, билим доираларини кенгайтирувчи, уларда ҳозиржавоблик хусусиятларини тарбияловчи, фаоллаштирувчи ва уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи каби дидактик функцияларни бажаради. Тажрибаларда таъкидланганидек, агар машғулот одатдаги – фақат тинглаб ўтиришга асосланган усулда ўтказилганда, талабалар ахборотнинг кўпи билан 20 фоизини ўзлаштирган бўлса, илғор педагогик усуллардан фойдаланилганда эса, бу кўрсаткич 80-90 фоизгача ошганлиги тасдиқланган.

Ноанъанавий таълимнинг самарадорлиги яна шундан иборатки, унинг қатнашчилари яхлит тизимли билимга эга бўлади ва мустақил - ижодий фикрлаш қобилиятлари ривожланиши негизида бўлажак касбий фаолиятга оид бошланғич кўникмалар шакллантирилиб, ўқув-тарбиявий жараённи амалиёт билан бевосита боғлаб олиб боришни таъминлайди. Шунинг учун ҳам у, ривожлантирувчи ўқитишнинг юқори самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Инсонни ҳар томонлама тарбиялаш ва таълим бериш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодларга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар.

Ҳозирги таълим тизимида билимларни эгаллашнинг янги концепцияси – ноанъанавий таълим технологияларнинг услубларини қўллашни тақазо этмоқда. Таълим жараёнини бир тизим деб олсак, уни ташкил этувчи элементларига қуйидагилар киради: ўқув мақсади, кутилаётган натижалар, ўқитувчи, ўқувчи, таълим мазмуни, таълим методи (усули), таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва баҳолаш. Таълим жараёнини лойиҳалашда ана шу элементлардан лоқал биттаси четда қолса ёки тўғри танланмаган бўлса тизим ишламайди, демакки, мақсадга эришиб бўлмайди. Ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишда анъанавий усуллардан фарқли ўлароқ, янгича педагогик технологияларни ўзлаштириш ва таълим жараёнида қўллаш замон талабидир.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий ҳарактерга эга бўлади. Ноанъанавий таълим технологияси ўз навбатида учга бўлинади:

[1]*Турдиева Моҳира Жўрақуловна* – ассистент кафедры “Профессиональное образование”, Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

- Ҳамкорликда ўрганиш
- Моделлаштириш
- Тадқиқот (лойиҳа)

Юқоридаги методлар талабаларнинг билимларни ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олиш билан боғлиқдир. У талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлардан иборат. Буларга «Китоб билан ишлаш», «Ўқув суҳбати», «Давра суҳбати», «Ақлий ҳужум», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Баҳс-мунозара» каби методларни киритиш мумкин.

Анъанавий ва ноанъанавий ўқитишнинг қиёсий таҳлили

Мезонлар	**Анъанавий ўқитиш**	**Ноанъанавий технологик ўқитиш**
Мақсад	Билим бериш, кўникма шакллантириш	Ҳамкорликдаги фаолият орқали билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш
Ўрганувчининг роли	- кўрсатмаларга бўйсунади; - ахборотни пассив қабул қилади; - ахборотни ўзлаштиради; - ўрганиш жараёни учун қисман масъул	Ўз ғояларини таклиф қилади; ўзаро боғланган; фаол иштирок этади; таълим жараёнига тўлиқ масъул
Ўқишга Қизиқтириш (мотивация**)**	Ташқи жамият томонидан тазйиқ кўрсатилади (оила, дин, урф-одатлар ва ҳ.к.).	Ички қизиқтирувчи омиллар. Талаба шу заҳоти фойдани англайди
Мазмун танлови	Ўқитувчи назорат қилади. Талаба қисман танлайди ёки умуман бундай ҳуқуққа эга эмас	Таълим мазмуни талабалар танлаган муаммоларини ечишга йўналтирилган.
Жараён	- директив (кўрсатмали) ёндашув; - талқин қилади ва баҳолайди; - мавзу бўйича кўпроқ ва яхшироқ билади.	- демократик ёндашув; - тинглайди, қўллаб қувватлайди; - ҳар бир кишининг фикри ва ғояларини қабул қилишга тайёр.
Усуллар (методлар**)**	Талаба далиллар, ахборот олади	Ўқитиш талабаларнинг билим ва кўникмасига асосланади
Қарор қабул қилиш	Қарорни ўқитувчи қабул қилади	Қарор биргаликдаги фаолият давомида қабул қилинади

Анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш – талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Унинг мақсади дарс жараёнида талабаларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Унда ўқитиш талабаларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мустақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар киради.

Демак, педагогика фани ва амалиётида турли ноанъанавий ёндашувлар қўлланилади: ноанъанавий тизимли ёндашув, ноанъанавий технологик ёндашув, ноанъанавий фаолиятли ёндашувлар шулар жумласидандир.

Адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2001. – 68 с.
2. Олимов Қ.Т.,Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.

© М.Ж. Турдиева, 2018

УДК 37.02(575.1)

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

И.С. Солиев[1], Ш. Тошботиров[2]

Аннотация

Ушбу мақолада ўқувчиларда мустақил билим олиш, фикрлаш, мақсадга интилиш, ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш, шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни ҳақида фикр юритилган.

Таянч иборалар: саломатлик, оила, таълим, тарбия, руҳий, ақлий, жисмоний, билим, ният, илм, фан.

Замонавий таълим шароитида ўқитувчи фақат билим бериш ва амалий кўникмани шакллантириш билан чегараланмасдан ўқувчиларни мустақил билим олиш, изланиш ва қарорлар қабул қилишга ўргатиши керак.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ўқув жараёнининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мустақил ишлаш жараёнида ўқувчида мустақил фикрлаш қобилияти шаклланади. Мустақил фикрлаш қобилиятининг шаклланиши натижасида, ўқувчида табиат ва жамият қонунларини, шунингдек, бошқа дунёвий билимларни системалаштириш, уларни чуқур ўрганиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилиш кўникмалари пайдо бўлади. Шундай экан, узлуксиз таълимнинг ҳар қандай босқичида, таълим стартегиясини белгилашда субъектнинг мустақил ишини, фан-техника ва таълимнинг замонавий ютуқларига асосланган ҳолда ташкил этишга алоҳида эътиборни қаратиш зарур.

Ўқувчиларнинг билув мустақиллиги даражалари бўйича мустақил ишини қуйидаги учта типга ажратиш мумкин: репродуктив, аралаш ва ижодий. Бизнинг фикримизча касб-ҳунар коллежларида ташкил этиладиган амалий машғулотлар мустақил ишнинг ҳар учала типини ҳам ўз ичига олиши лозим. Чунки, уларнинг мажмуасигина ўқувчиларга одийдан мураккабга ўтишга, яъни кетма-кет уларнинг бўлажак касбий фаолияти учун муҳим ҳисобланган зарурий назарий билимлар ва касбий кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида ўқувчилар томонидан мустақил равишда бажариладиган лаборатория иши учун методик кўрсатмалар мажмуаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ишлаб чиқиладиган методик кўрсатмалар мазмуни эса қуйидигаларни ўз ичига олиш керак:

- машғулот мақсади;
- ўқувчиларнинг мустақил иши учун билув масалалари;
- мустақил ишни бажириш учун йўриқнома;
- ўқувчилар томонидан мустақил ишнинг босқичма-босқич бажарилиши;
- мустақил иш натижаларини қайд этиш технологияси;
- мустақил иш натижаларини баҳолаш методикаси.

Лаборатория амалиёти учун топшириқлар тузишга бундай ёндашув ўқитувчининг бўлажак кичик мутахасисда касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш босқичларини аниқлаш ва уларда билув мустақиллиги ривожланишини кузатишга имкон беради.

Бунинг учун эса ташкил этилаётган лаборатория машғулотлар қуйидаги талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим:

- ўрганилаётган курснинг асосий назарий бўлими (мавзуси) бўйича энг муҳим хулосаларини тасдиқлаши;
- ўқувчилар мустақил ишлаш учун қулай ва етарли даражада сода бўлиши;

[1]*Солиев Искандар Содиқович* – преподаватель кафедры «Технологии и оборудования легкой промышленности», Бухарский инженерно-технологический институт, Республика Узбекистан.

[2]*Тошботиров Шохрух* – студент, Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

- ўқувчиларни замонавий компьютер ва ахборот технологияларига мурожаат қилиш ва ишлашга ўргатиш.

Укувчиларнинг мустакил фикрлашини мустакилик намоён этилишидан ташкари, Яна икки хил маънода тушунинш мумкин:

- кенг маънода, яъни укувчида «шахслик сифатларини шакллантириш, маънавий камолотини таъминлаш ва бу йулда мустакил мулохаза юритишга ургатиш.

-тор маънода яъни билимларни узлаштириш, таълим жараёнида фаол иштирок этиш.

Мустақил фикр юритиш ҳар бир шахс ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, аудиторияда дарс беришнинг барча шакаллари: назарий, амалий, лаборатория дарслари, амалиётлар, дарсдан ташқари ишлар, илмий тадқиқот ишларида талабаларнинг мустақил фикр юритиш кўникмалари таркиб топади ва у (илмий раҳбар томонидан) ривожлантириб борилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақил равишда фикр юритилган ҳолда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш тажрибаларининг кўрсатишича қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1.Ўз соҳаси бўйича муаммоли вазиятни тушинган ҳолда таҳлил қилиш;

2.Ўқиш жараёнидан олган назарий фаразларни илгари суриш;

3.Аудиторияда ўзлаштирилган билим ва малакаларни янги вазиятларда қўллаб янги билим кўникма ва малакаларни эгаллаш;

4.Ўз фикр ва билимлари асосида танланган йўналиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

5.Илмий тадқиқот ишларининг натижалари асосида мақолалар тайёрлаш, натижаларини изоҳлаш;

6.Илмий тадқиқот ишлардан олинган натижаларни ишлаб чиқаришда қўллаш;

Талабаларни ўз устларида мустақил ишлашлари тадқиқот ишларини олиб боришлари учун адабиётлардан, илмий журналлардан фойдаланиш, илмий-амалий анжуманларга иштирок этиш муҳимлиги тажрибаларда синаб кўрилди ва яхши натижалар берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.Зиямухамедов.Педагогика. – Тошкент: “Тамаддун” нашриёти, 2014.
2. Б.Зиямухамедов, Ф.Б.Исмоилов. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. Т.: Сано- . Стандарт.2011.

© И.С. Солиев, Ш. Тошботиров, 2018

УДК 37.02.(575.1)

ТАЪЛИМ БЕРИШ МЕТОДЛАРИНИ ЎРГАНИШ

И.С. Солиев[1], С. Раззоқов[2]

Аннотация

Ушбу мақолада ўқувчиларда таълим бериш методларидан муаммоли ўқитишнинг моҳияти ҳақида фикр юритилган. Муаммоли ўқитиш, таълим беришнинг самарали усулларидан бўлиб, у асосан илмий билимлар асосида муаммоли вазиятлар мантиқини намойиш этади. Муаммоли вазиятлар киритилиб анъанвий баён этиш ўқув материалининг энг оптимал таркиби ҳисобланади.

Таянч иборалар: таълим, тарбия, руҳий, ақлий, билим, ният, илм, фан.

Ҳозирги замон психологияси ва дидактикаси шунга асосланадики, фикр юритиш жараёнининг бошланғич моменти, одатда, муаммоли вазият бўлади. Инсонда бирор нарсани тушунишга талаб пайдо бўлганидагина у фикр юрита бошлайди. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини хеч оғишмасдан қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятига эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига хеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.[3]

Ушбу жумлалардан таъсирланган ҳолда, айтиш жоизки биз педагоглар таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотларни жаҳон тажрибасини хисобга олган холда ўқувчиларни муаммоли ўқитишга ўзига хос тайёрлашдан иборатдир. Бу шундай ўқитишки,унда ўқувчилар олдида билим олиш соҳасига доир вазифалар қўйилади, ҳамда улар бу вазифаларни ҳал этиш йўлларини мустақил равишда ёки ўқитувчи ёрдамида излайдилар. Ўқув материалини муаммоли баён қилиш шундай тузиладики, бунда ўқитувчининг ўзи муаммо қўяди, ўзи уни ҳал этади, ўқувчиларга муаммони ҳал этиш намунасини кўрсатади. У ўқувчилар тафаккурини турли усуллар билан фаоллаштиради, ўқувчилар ҳам муаммонинг қандай ҳал этилишини кузатиб борадилар. Ўқитувчи ўқувчини муаммони ҳал этишнинг иштирокчисига айлантирган ҳолда муаммоли баён қилиш энг кўп самара келтиради. Бунда ўқитувчи фикр юритишни фаоллаштиришнинг тажрибалар ўтказиш, диафильмлар ва кинофильмлар, виртуал лавҳаларни намойиш қилиш, масалалар қўйиш ҳамда ўқувчиларнинг тажриба бошланишидан олдин турли тахминларни айтишлари сингари воситалардан фойдаланади. Шу тарзда ўқувчиларнинг тажрибага жиддий эътиборини жалб қилишга, уларни фикр юритиш фаолиятияга, тажриба маълумотларини умумлаштиришга, хулосаларни таърифлашга жалб этишга эришилади.

Аммо ўқувчилар ўқитувчи муаммони ҳал этиш сари қандай йўл билан бораётганлигини фақат кузатиб турсалар, илмий фикр юритиш методини эгаллай олмайдилар. Ўқувчиларнинг ўзларини изланиш фаолиятига аста-секин жалб этиш ана шу мақсадга хизмат қилади.

Муаммоли таълимда қисман изланма ва эвристик қидирув методларини қўллаш мумкин. Бунда ўқитувчи ўқувчилар олдига қатор изчил ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган саволлар мажмуини қўяди. Ўқувчилар уларга жавоб берганда қандайдир шаклларни айтадилар. Айтганлари тўғри эканлигини мустақил

[1]*Солиев Искандар Содиқович* – преподаватель кафедры «Технологии и оборудования легкой промышленности», Бухарский инженерно-технологический институт, Республика Узбекистан.

[2]*Раззоқов Санжар* – студент, Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

исботлашга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга янги билимларни ўзлаштиришда мустақил равишда олдинга силжишни амалга оширадилар. Агар эвристик суҳбатда бундай тахминлар янги мавзунинг фақатгина бирор қисмига алоқадор бўлса, муаммоли – қидирув суҳбатда ўқувчилар муаммоли вазиятнинг бутун бир тизимини ечадилар.Таълимнинг муаммоли – қидирув услубларида кўргазмали қўлланмалар эсда сақлашни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган экспериментал масалаларни қўйиш учун ишлатилади.

Ўтказилган тажрибалар муаммоли ўқитишнинг катта самара келтирилишини кўрсатди. Аммо шуни назарда тутиш керакки, муаммоли ўқитиш таълим жараёнига аста-секин, ўқувчиларни муаммоли баён қилиш жараёнида ва қисман-изланма фаолиятидан фойдаланиш жараёнида тайёрлаш йўли билан киритилиши керак. Бутун ўқув материалини муаммоли йўл билан ўрганиш мумкин деб ўйлаш ярамайди. Ўқув материалининг кўп қисми ўқитувчининг оддий баёни ёрдамида, ўқувчиларнинг дарслик ва бошқа маълум усуллар орқали материлни мустақил ўрганиши ёрдамида ҳам ўрганиб келинди ва ўрганилади.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчи аниқ ўқув мақсадларига йўналтирилган саволлар ва топшириқлар ишлаб чиқади. Муаммоли саволларни ҳал этишда ёки топшириқларни бажаришда ўқувчиларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатига туртки беради ва жараённи назорат қилади. Ўқувчи эса ўз таълимининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти шундаки ўқувчилар ўзлари муаммони мустақил ечишлари керак. Шу сабабли ҳам ўқув материаллари ва топшириқлар тизими шундай тузилиши керакки улар асосан мустақил фикр юритишга ва ўрганишга қаратилиши лозим.Муаммоли вазият ўз мохияти ва мазмуни жихатдан фанларни ўқитишдаги мантиқий кетма-кетликка ўхшайди. Кетма-кетлик принципи шундан иборатки, бунда таълимнинг даражаси жихатдан юқори хар бир босқичида ўқитиш мазмунини аниқлашда аввалги боскичларда узлаштирилган билимлар, яъни таълим хисобга олинади. Худди шу каби, агар вазиятдаги янги билим аввалги билим билан боғланган бўлса, у муаммоли вазият деб ҳисобланади.

Муаммоли ўқитишда аввал вазиятли масала .ёки топшириклар пайдо бўлади, шундан сунг ўқув муаммоси шакллантирилади. Ўқув муаммосининг асосий белгилари: номаълумликнинг мавжудлиги, бу номаълумликни топиш янги билимларнинг шаклланишига олиб келади; номаълумликни топиш максадида (хотираси, ўқув ва илмий-техник адабиётлардан) излаш учун талабаларда маълум даражада билимлар захираси бўлиши лозим.Кейин талабалар муаммони ечиш усулини қидиради, бунинг учун турли таклифларни билдиради, билдирилган танқидий ва мустақил фикрларни тахлил этиш, умумлаштириш асосида улардан биттаси туғри, деб топилиб, гипотеза тарзида қабул килинади ва исботланади. Излаш муаммонинг ечимини текшириш билан тугалланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Ўзбекистон 2016 йил
2. Б.Зиямухамедов.Педагогика. –Тошкент: “Тамаддун” нашриёти, 2014. 256 б.
3. Б.Зиямухамедов, Ф.Б.Исмоилов. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. Т.: Сано-Стандарт.2011.

© И.С. Солиев, С. Раззоқов, 2018

UDC 330

CREDIT RISKS OF THE COMMERCIAL BANKS AND THE WAYS TO REDUCE THEM

A.A. Temirov[1], M.B. Ataniyazova[2]

Abstract

This article examines the nature of credit risks, the reasons for their occurrence and ways of reducing them, as well as the tasks of managing the loan portfolio of banks. Recommendations are given to prevent the emergence of problem loans in the country.

Key words: credit risk, portfolio, problem loans, loans management, mandatory reserves of capital, rating, strategy.

In order to follow the principles of market relations in the economy, the commercial banks need to learn more about the risks rather than other activities of economic entities. Because on the one hand, the commercial banks are responsible for their shareholders, on the other hand, for their customers who entrusted their funds and who using the services of obligation.

Commercial banks face the risks in their work. The reduction of these risks gives more development and increases the profit of the banks. As the result of this, the bank's risks, its essence, its depth study of the reason and ways may also play the important role in the operation.

In world practice, the lending activities of the bank forms a large part of the profits. Not repayment of the loans, most of time large loans could lead the bank into bankruptcy. That is why, the ways the correct organization of the activities of the banks, the minimization of “not paid back” loans risks and finding the risks’ the level and qualityare very important.

Banks' lending to private enterprises or other industries specializing in the high risk will be stronger.

Credit risk is the breaking the terms of the loan agreement by the borrower and not repayment of the loan amount (partial or full) and interest payment as specified in the contractterms. That is why, in the any commercial bank’s activities the locating and controlling the credit risks, plays an important role in banks activities.

Actual problems of credit risk management for banks, the credit risk in the bank by the borrower split the terms of the loan contract, that is its inability to fulfill its obligations on time.It should be noted that the practice of banking income mainly consists of interest income from loans, so the loans obtained by the borrower of the interest rate or the principal amount of the loan on time, the bank or payment due to a decrease in the profit of the bank's share of funds in the future could lead to a fall.

Creditor can determine the credit risks before and after making the loan to the borrower or during the borrower’s business activities. In order to minimize the credit risks Creditor tries to identify the credit risk before making a loan.

The coming of the following situations may cause commercial banks credit risks:

-bondage and various macro- and microeconomic factors, changes in economic law and regulations;

-Quite the recipient of its activities will be changes in the economic and political environment, due to the negative instances in accordance with the keys on the loan may not be able to organize the flow of money;

-On the quality and value of the mortgage loan contracts for a complete lack of confidence;

-Highly competent employees and customers of the bank rarity;

[1]*Abdulaziz A.Temirov* – candidate of Economic Sciences, TSUE, Uzbekistan.
[2]*Makhfuza B. Ataniyazova* – assistant-teacher TSUE, Uzbekistan.

-Quite the recipient or local government entities across the fall, the changes arising from its business activities, and others.

Banking institutions and credit risk in relation to other creditors of the bank's staff to be more defensive or centrifugal. The reason for this is that, compared to the other creditors of the bank often with their own funds, but the funds involved in the temporary work. Therefore, the Bank's ability to attract credit resources in the park; cycle status. The bank, in turn, prompted the funds involved in this country should be able to give back to the customer. This is the opportunity for timely identification of credit risk in banking activities, which calls for effective measures to prevent them.

Many foreign central banks, the banking system in order to improve the functioning of the financial condition of careful study, on the bank to reduce the risk of centralized services to create a database of information on the balance of the enterprises. In our Republic on the floor of the credit bureaus. This will in turn reduce the risk of credit loss and problems on payments.

Arising from the activities of commercial banks in the country in order to reduce to reduce the credit risk of credit portfolio management pays great attention to the issues. The main objectives of the management of a portfolio of loans by commercial banks, which are considered:

- To identify the factors affecting the level of the indicator and the adjustment of credit risk assessment;
- Credit risk group classification of risk groups on;
- In order to predict the credit risk to identify opportunities to change the financial condition of the level of solvency of the debtor's credit Vain;
- Risk forecasts appear distressed loans;

As a result of the credit risk arising from the bank's assessment of the possible creation of adequate reserves for losses and the time of his birth;

- Diversification of loans, they ensure the profitability and liquidity;
- The quality of the credit portfolio of the bank's credit policy is based on an analysis of racially and others.

The above-mentioned challenges, in turn, on the establishment of the bank arising from the credit they need to develop a regulatory framework.

In general, commercial banks' credit risk management policy, risk strategy, internal documents and the evaluation methods and forms of risk, in turn, can add to the limits of legal restrictions, dark, operating times and determine the level of risk.

The bank's credit risk management the following steps are considered to be important to separate. These are:

- Forecasting;
- Analysis;
- Regulation;
- Track;
- Control.

To determine the criteria for the quality of credit risk arising from the activities of the bank to limit losses arise because of the bankruptcy of the client is very important. To represent the bank's risk like equity, as well as the Bank's external or internal rating system is useful introduction. In this system, each of the Mizoram its financial status, content management and other shareholders, taking into account the circumstances of the loan quotations (prices).

Most of the banks' existing clients in the financial system of the assessment of the status of the main shortcomings of these tendencies in many cases, their financial criteria dimensional structural diagnostics. These parameters can be determined only known of all the financial condition of enterprises in the sector. This criterion is determined as the financial condition of the borrower, each segment of the market, the customer and the bank's activity in every sector, in every geographical area of each individual country limits on the limits on the liabilities. These measures limit the losses arising from the difficulties of this or that category, allows the distribution of credit risk.

New types of loans offered by banks and related services require additional costs and, in turn, create new credit risk. For example, the requirement for mortgage loans for real estate appraisal, leasing for the delivery of the current month, and others.

Clear signs of a condition of interest and charges on loans, and the amount of the credit quality of the risk, competition, and customer, work productivity levels are taken into account. In some exceptional situations circulation, credit and interest charges are usually centralized enough to be known by the staff or the deer will be installed.

Credit agreements, the amount of customer credit operations is complete, because of risk throughout the term of the loan. As for the loans necessary to carry out continuous monitoring of the credit. This is the basis of a decision for the loan by the bank to identify the elements that may have occurred bread, it is of great importance.

Commercial banks' lending operations on negative incidents quickly identify customers to configure and immediate measures to prevent the bankruptcy of the banks is an important factor to reduce the damage. To do this, you need to follow the procedure below:

The responsibility for monitoring the status of -consumer;

-management information systems division;

-Identification of payments and on the movement of funds Nadir;

- Safeguards and to monitor the financial condition of the customer's;

At present, most of the loans by the commercial banks of the republic, credit-depth analysis of how much it costs. As the degree of loans by commercial banks set by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan based on increasing the refinancing rate at 1.5 times the maximum set in any account-book.

Market economy, a high level of developed countries, but its market value is taken into account in determining the value of credit loans Customers are asked to calculate the value of a few steps, and the banks are assisted by in-depth analysis calculations. Therefore, to prevent the determination of the value of the credit risk of the loan provides an opportunity to ensure the stability and liquidity of the bank. In determining the value of the credit, above all, compatible with the bank's own capital should determine the rate of interest. The interest rate compatible with the bank's capital (or profit rate) to provide the liquidity of the banking and the basis of the performance of the bank's obligation to pay a stock dividend.

According to banking loans with no money to pay off the loan the borrower will circumstances arise. Insufficiency of internal and external funds in the client recognize the first signs of the bank's credit department, not to meet the deadline for payment of the loan customer must seek a way to save the rescue of the financial difficulties. In determining, not only the risk of the bank employees and material supply, but also to achieve the goals mentioned above used in information processing and control guidelines should be borne in mind. In addition, the bank's management system, a computerized information system, internal control system and others.

Payment of the loan with the minimum possible risk to prevent the Department of credit risk:

- restructuring debt program;

- Additional documentation and guarantees;

Pawn;

- To require the payment of a guarantee;

- Change management;

- To revive the work of management;

- The implementation of such legal issues raised.

In most cases, in practice, these measures are not enough effective. Past analysis has shown that commercial banks loans can occur in a variety of other reasons. We believe that, in order to prevent problematic loans recommend the implementation of the following measures:

1. To identify problem loans and to develop measures to prevent their procurement from foundry, working with problem loans from commercial banks to establish branches. A period of 30 working days overdue loans to pay for delivery of this section. This loan recovery measures and the need to take it to seek repayment options.

2. For the purpose of the classification, of the following signs of problem loans they had.

-Loans granted by the decision of the banks own.

- According to the decision of the government loan.

- Ministries guarantees for loans.

- Of other loans or guarantees on the decision.

The classification of problem loans will have a chance to get in-depth analysis of the issue of compensation.

3. Commercial Bank has decided to give a loan without taking all the risks, and if these loans have become problematic credit, a joint relation must review bank customers. If the client the bank's shareholders, the capacity to repay the loan at the expense of the share of its joint-stock company to implement appropriate.

4. The purpose of the organization of the market for bank loans, loans in this market, and sales of agency bonds from commercial banks for staple injection.

5. The prevention of problem loans, the quality of the loan portfolio of commercial banks for regular monitoring. At present, the quality of the loan portfolio of the banks 'practice of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on July 14, 2015, registration No. 2696, "Commercial Bank's assets and reserves to cover potential losses on assets classified as the order of formation and use them to' correct order, "according to boriladi[1]. Depending on the credit quality of standard loans at 1 percent, substandard loans at 10 percent and 25 percent of favorable loans, doubtful loans on 50 percent of the unsecured loans as the amount of 100% of the credits for the creation of reserves to cover should [2]. Practical tests have shown that our commercial banks do not always normally reserves. This, in turn, indicates the claims of the banks' loan guarantees to prevent the risk of Divine.

We believe that the quality of the loan portfolio of commercial banks, 5 types of assessment should be considered. These are:

1. Points (strong). Of problem loans up to kiss up to 10% of the total capital of the bank, the bank's loan portfolio quality is evaluated, it is possible to 1.

2. (Satisfactory). The amount of reserves on average no more than 15 percent of the total capital

3. (Average). Reserve capital ratio should not exceed 30 percent of the total amount.

4. (Troubles). Reserve capital ratio should not exceed 50 percent of the total amount.

5. (Unsatisfactory). More than 50 percent of the total amount of reserve capital campaign situation.

In a word, commercial banks loans bread could be achieved through the development of a strategy to minimize risk. Banks pay attention to the development of a strategy for risk; insurance risk strategy is an important component part of the essential importance of the role and importance of diversification for cement. The bank's loan portfolio diversification, noted that the losses of some customers moving coverage at the expense of other customer revenues necessary to get attention.

References

1. “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги” Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатга олинган
2. Положения о порядке классификации качества активов и формирования резервов на покрытие возможных потерь по активам, а также их использования в коммерческих банках. Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан №2696 от 4 июля 2015 г.
3. Banking and financial risk management seminar materials. Prepared by Margaret E.Osius Inc. for the EDI. Washington, 1997.
4. Абдуллаева Ш. “Банк рисклари ва кредитлаш”. Дарслик. Т.: Молия, 2002.-303 б.
5. Нафасов Д. Банк рискларини бошқаришнинг зарурлиги ва асосий мезонлари // Халқаро молия ва ҳисоб. № 1, 2017.

© A.A. Temirov, M.B. Ataniyazova, 2018

Информация для авторов

Журнал «Ученый XXI века» выходит ежемесячно.

К публикации принимаются статьи студентов и магистрантов, которые желают опубликовать результаты своего исследования и представить их своим коллегам.

В редакцию журнала предоставляются **в отдельных файлах** по электронной почте следующие материалы:

1. Авторский оригинал статьи (на русском языке) в формате Word (версия 1997–2007).

Текст набирается шрифтом Times New Roman Cyr, кеглем 14 pt, с полуторным междустрочным интервалом. Отступы в начале абзаца – 0, 7 см, абзацы четко обозначены. Поля (в см): слева и сверху – 2, справа и снизу – 1, 5.

Структура текста:

- **Сведения об авторе/авторах:** имя, отчество, фамилия.
- **Название статьи.**
- **Аннотация** статьи (3-5 строчек).
- **Ключевые слова** по содержанию статьи (6-8 слов) размещаются после аннотации.
- **Основной текст статьи**.

Страницы **не нумеруются**!

Объем статьи – не ограничивается.

В названии файла необходимо указать фамилию, инициалы автора (первого соавтора). Например, **Иванов И.В. статья.**

Статья может содержать **любое количество иллюстративного материала**. Рисунки предоставляются в тексте статьи и обязательно в отдельном файле в формате TIFF/JPG разрешением не менее 300 dpi.

Под каждым рисунком обязательно должно быть название.

Весь иллюстративный материал выполняется оттенками **черного и серого цветов**.

Формулы выполняются во встроенном редакторе формул Microsoft Word.

2. Сведения об авторе (авторах) (заполняются на каждого из авторов и высылаются **в одном файле):**

- имя, отчество, фамилия (полностью),
- место работы (учебы), занимаемая должность,
- сфера научных интересов,
- адрес (с почтовым индексом), на который можно выслать авторский экземпляр журнала,
- адрес электронной почты,
- контактный телефон,
- название рубрики, в которую необходимо включить публикацию,
- необходимое количество экземпляров журнала.

В названии файла необходимо указать фамилию, инициалы автора (первого соавтора). Например, **Иванов И.В. сведения.**

Адрес для направления статей и сведений об авторе:

uch21vek@gmail.com

Мы ждем Ваших статей! Удачи!